

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУСЛИМА АХАТОВНА

**ТАЖРИБАДА НУРЛАНИШ КАСАЛЛИГИ ФОНИДА МЕЪЁРДА ВА
БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДА АОРТА ДЕВОРИНИНГ
МАЖМУАВИЙ ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Абдуллаева Муслима Ахатовна

Тажрибада нурланиш касаллиги фонида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифи 3

Абдуллаева Муслима Ахатовна

Комплексная характеристика стенки аорты в норме и при воздействии биостимулятора на фоне лучевой болезни в эксперименте 29

Абдуллаева Муслима Ахатовна

Complex characteristics of the aortic wall in normal conditions and under the influence of a biostimulant against the background of radiation sickness in the experiment 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА МУСЛИМА АХАТОВНА

**ТАЖРИБАДА НУРЛАНИШ КАСАЛЛИГИ ФОНИДА МЕЪЁРДА ВА
БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДА АОРТА ДЕВОРИНИНГ
МАЖМУАВИЙ ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Tib646 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокирова Наргиза Баходировна
тиббиёт фанлари доктори

Миршарапов Уткур Миршарапович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Болтиқ федерал Университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+998) 65-223-00-50; тел.: (+998) 65-223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+998) 65-223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, радиологик ифлосланиш инсон ҳаётига сезиларни хавф туғдирмоқда. Сўнгги йилларда барча мамлакатларда жумладан юрак-қон томир ва артериал гипертензия тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Атом энергетикасининг жадал ривожланиши, ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг фан, техника ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилиши маълум даражада авариялар ва янги ҳудудларнинг радиоактив захарланиш хавфини туғдирмоқда. Чернобил АЭСдаги авариядан сўнг радиоактив ифлосланган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш масаласи кескинлашди. Кўплаб адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, «...тирик организмнинг нурланиши, ҳатто нисбатан кичик дозаларда ҳам, метаболлик касалликларга олиб келади, иммун реактивликка таъсир қилади, дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) синтезини бузади...»¹ Сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсирида аорта морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришлари ўрганилмаган. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса нурланиш натижасида ривожланаётган онкологик касалликлардан ўлим даражасини камайтириш имконини яратиб, замонавий тиббий хизмат сифатини, диагностика қилиш ва даволашни янги даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда тажриба шароитида нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қуёнларнинг аорта девори қаватлари морфометрик кўрсаткичларини ёшга қараб динамикада ўзгаришини, сурункали нурланиш касаллигида қуён аорта девори қаватларидаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш; сурункали нурланиш касаллигида қуён аорта девори қаватларининг морфометрик хусусиятларини турли ёш аспектида ишлаб чиқиш, сурункали нурланиш касаллигида ва Дороговнинг антисептик биостимулятори ёрдамида коррекция қилингандан кейин аорта девори қаватларидаги патоморфологик ўзгаришларни, сурункали нурланиш касаллигида Дороговнинг антисептик биостимулятори ёрдамида тuzалгандан кейин қуён аорта девори қаватларининг морфометрик хусусиятларини баҳолаш, Дорогов антисептик биостимулятори ёрдамида коррекция қилинган қуён аорта девори қаватларида ёш аспектида, меъёрий шароитда ва сурункали нурланиш касаллигида содир бўладиган морфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларни солиштириш илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Аверкин Н.С., Федорова М.Г., Латынова И.В., Харитонов Е.А., Пивоваров Е.В. Микрометрические изменения стенок крупных артерий в условиях нарушенного углеводного обмена // Медицинские науки. 2019. №2. С.144-151.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни даволаш йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, тажрибада нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга ошириш борасида қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сонли «Шошилич тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Тажрибада нурланиш касаллиги фониде меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштиришга

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.mioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган www.ncbi.nlm.gov/pubmed; <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com> ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Colorado State University, University of California, Harvard University, Department of Environment and Health, Emory University (США), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Россия Фанлар академияси Сибир бўлими (Россия), Санкт-Петербург ва Қозон илмий тадқиқот институтлари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, Бухоро давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тажрибада нурланиш касаллиги фонида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тажрибада турли альфа, бетта ва гамма нурланишлар натижасида юзага келадиган нур касаллиги негизидаги тўқима ва томирларни морфологик ўзгаришларини аорта деворининг ўзгаришини ижобий хусусиятлари исботланган (University of Alberta, АҚШ); ҳомиладор каламушлар организмда ҳомиладорлик вақтида организмнинг нурланиш натижасида қатор компенсатор-мослашув ўзгаришларига олиб келиши, бу эса она ва ҳомила ўртасида махсус тўқималараро боғлиқлик борлигини кўрсатиши исботланган (University Colorado, АҚШ); экологик ифлослантирувчи моддаларнинг ирсият орқали ўтувчи ва турли касалликларга мойилликнинг ортишига кўмаклашувчи эпигенетик бузилишларни келтириб чиқариш хусусияти ёритиб берилган (University of Milan (Италия), Universitat de València (Испания), University of Illinois at Chicago (АҚШ), University of Turku (Финляндия), Ghent University (Бельгия); турли даражадаги нурланиш натижасида таянч ҳаракат тизимининг ривожланиш нуқсонлари баҳоланган (Қозон тиббиёт университети, Россия); нурланиш натижасида қатор аъзоларидаги метаболик ўзгаришларни аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Узоқ Шарқ тиббиёт университети, Россия); нурланиш натижасида юрак қон томир тизимининг, томирлардаги аорта, артериялар, веналардаги патологик ҳолатларга олиб келиши исботланган (University of Pennsylvania, АҚШ, Jagiellonian University, Польша); пестицидларнинг турли даражадаги захарланишларга олиб келишининг 250 дан ортиқ турлари исботланган (Pukong National University (Корея); Punjab Agricultural University (Индия); тажрибада нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштирилган (Бухоро Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда тажрибада нурланиш касаллиги фонида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қуёнларнинг аорта девори қаватлари морфометрик кўрсаткичларини ёшга қараб динамикада ўзгаришини баҳолаш тартибини асослаш; сурункали нурланиш касаллигида тажриба шароитида аорта девори қаватларидаги морфологик ўзгаришларни қаватларининг морфометрик хусусиятларини турли ёш аспектида баҳолаш тартибини

ишлаб чиқиш; сурункали нурланиш касаллигида ва Дорогов антисептик биостимулятори ёрдамида коррекциялашда аорта девори қаватларидаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш тартибини ва патогенетик даволаш чоратadbирларига услубий ёндашувни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу билан бирга хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар барча китъаларда, шу жумладан Россия, МДХ мамлакатлари ва узоқ хорижда озик-овқат ва озуканинг микотоксин билан ифлосланишининг сезиларли частотаси ва даражасини кўрсатади, жумладан юрак-қон томир ва артериал гипертензия тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Артериал гипертензия бу юқумли бўлмаган пандемиялардан бири бўлиб, дунё аҳолисининг учдан бирида учрайди ва ҳар йили деярли 7 миллион киши шу сабабли ҳалок бўлмоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича юқорида кўрсатилган омиллар таъсирида аортанинг органометрик кўрсаткичлари, биомеханик хусусиятлари ўзгаради (Автандилов Г.Г., 1990). Бу жараёнда аортанинг девори қалинлашади, ички пардаси ўзгаради, диаметри кенгаяди, аорта девори қатламларининг бир-бирига нисбати ҳар хил даражада ўзгаради (Аверкин Н.С., 2012). Ҳозирги вақтда юқумли, инвазив, радиацион касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун организмнинг табиий химоясини сафарбар қилиш, физиологик ва иммунобиологик реакцияларни тўғрилаш мақсадида ҳозирги кунда биологик фаол моддалардан кенг фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Биоген стимуляторлар, ферментлар тизимининг фаоллигини ўзгартириб, метаболик жараёнлар даражасини ва организмнинг турли патоген таъсирларга чидамлилигини оширади (Каримов Х.Я., 2011; Тен С.А., 2010) Маълумки, Россияда Дорогов биостимулятори антисептик-стимулятори (АСД) билан кўзиқорин ишлаб чиқарувчиларни ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжуд. (АСД), рухсат этилган максимал концентратциясидан бир оз ошиб кетадиган дозаларда токсикозни келтириб чиқаради (Котик А.Н., ва бошқ. 2002) Буларнинг ичида радиологик ифлосланиш инсон ҳаётига сезиларли хавф туғдирмоқда. Охириги вақтда аортанинг анатомик, топографик ва гистологик тузилишларидаги ўзгаришларни ҳар хил экзоген ва эндоген омиллар таъсирида, юрак-томир касалликларида, инсоннинг ёшига қараб бажариладиган илмий тадқиқотлар кўпаймоқда (Тешаев Ш.Ж., 2012). Биоген стимуляторлар ва адаптогенлар жисмоний ва руҳий стресс пайтида тананинг умумий қаршилигини оширади. Кўпгина ўсимликларнинг таркибида мавжуд бўлган биологик фаол бирикмаларнинг (БФБ) бой спектри танага ўзига хос фармакологик таъсир билан биргаликда, умумий соғломлаштирувчи (органопротектор) таъсир кўрсатади (Самуйленко А.Я., 2016).

Мамлакатимизда қон томирлар патоморфологияси борасида қатор омиллар илмий тадқиқотлар олиб борилган (Каримов Х.Я., 2022, Ирискулов Б.У., 2022, Утяшов Р., 2022), бироқ, нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштирилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш тажриба шароитида аорта девори қаватлари морфометрик кўрсаткичларини ёшга қараб динамикада ўзгаришини баҳолаш, сурункали нурланиш касаллигида қуён аорта девори қаватларидаги патоморфологик ўзгаришларни, сурункали нурланиш касаллигида қуён аорта девори қаватларининг морфометрик хусусиятларини турли ёш аспектида ишлаб чиқишнинг назарий асослари яратилган. Сурункали нурланиш касаллигини даволашда Дорогов антисептик биостимуляторининг нурланишни олдини олишга қаратилган патофизиологик механизмларини яратиш ва нурланиш касаллигини коррекциялаш, сурункали нурланиш касаллигида Дорогов биостимулятори антисептик-стимулятори биостимулятори ёрдамида тузалгандан кейин қуён аорта девори қаватларининг морфометрик хусусиятларини баҳолашдан иборат. Сурункали нурланиш касаллигини даволаш орқали қуён аорта девори қаватларида ёш аспектида, меъёрий шароитда ва сурункали нурланиш касаллигида содир бўладиган морфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларни солиштириш илмий изланишларни амалга ошириш муаммонинг долзарблигини тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш COVID-19 даврида» (2022-2026 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида қуёнларнинг аорта девори қатламларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуёнларнинг аорта девори қаватлари морфологик кўрсаткичларини ёшга қараб динамикада ўзгаришини ўрганиш;

сурункали нурланиш касаллигида ва Дороговнинг антисептик биостимулятори ёрдамида коррекция қилингандан кейин аорта девори қаватларидаги морфологик ўзгаришларни ўрганиш;

Дороговнинг антисептик биостимулятори ёрдамида коррекция қилинган қуён аорта девори қаватларида ёш аспектида, нормал шароитда ва сурункали нурланиш касаллигида содир бўладиган морфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларни солиштириш;

қон зардобидида ёшга оид ва нурланиш таъсирида липид кўрсаткичлари ўзгаришларини таҳлил қилиш;

экспрементал ҳайвонларнинг аорта препаратларида иммунофлюоренция ва иммуногистохимия усулида CD34 ва α -SMA оксилларини аниқлаш;

сурункали нурланиш касаллигида куён аорта девори қаватларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика патологик анатомия ва суд тиббиёти экспертизаси маркази тажриба шароитида 3, 6, 9, 12, 24 ойлик куёнларда тажриба шароитида нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни баҳолаш мақсадида 150 та зотли куёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини баҳолашда тажриба шароитида куёнлар аортасининг нурланиш шароитида ва тажрибада морфологик кўрсаткичларини баҳолаш, биостимуляторнинг ижобий таъсир қилиш қиймати танланган, нурланган аорта томирлари деворни Дорогов антисептик биостимулятори ёрдамида морфологик ўзгаришларни баҳолаш, аортанинг равоғи, кўкрак ва қорин қисми алоҳида-алоҳида гистологик материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштиришда экспериментал, гистологик, морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк маратоба тажрибада шароитида нурланиш касаллигида гамма нурланишни олдини олишда куёнларга биостимулятордан фойдаланишнинг стандарт қиймати танланган;

биостимулятор ёрдамида нур касаллиги билан зарарланган куённинг аорта девори қатламларининг турли соҳаларида морфологик параметрлари баҳоланган;

илк бора куён аорта девори қатламларида ёш аспектида, меъёрий шароитда ва нурланиш касаллигида биостимулятор ёрдамида коррекция қилинган ҳолда юзага келадиган морфологик ўзгаришларнинг хусусиятлари асосланган;

куён аорта девори қатламларининг морфометрик параметрларини меъёрий ёш аспектида баҳолаш, аорта деворининг структуравий ўзгаришлари турли патоген омиллар таъсирида ёш аспектида организмда содир бўладиган иммунологик жараёнларнинг мураккаб механизмини исботланган;

сурункали нурланиш касаллиги билан хастланган куёнларда нур касаллиги негизида биостимулятор таъсирида структуравий ўзгаришлари, аорта девори қатламларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолашнинг механизми очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

тажриба шароитида нурланиш касаллигининг турли даражалари баҳоланган ва уларнинг патологик механизмлари очиқ берилган;

гамма нурланиш таъсирида аорта девори қатламларида морфологик ўзгаришлар ва морфометрик параметрларни баҳоланган;

нурланишдан кейин клиник шикастланган хужайраларни солиштириш учун, биринчи марта тажрибада гамма-нурланиш негизида қуёнларга биостимулятордан фойдаланишнинг стандарт қиймати танланган;

биостимулятор билан даволаш нурланиш касаллигида қуён аорта девори қаватларининг аниқланган морфологик ўзгаришлари ва морфометрик параметрлари нурланиш касаллиги патогенези очиб берилган;

қуён аорта девори қатламларининг морфометрик параметрларини меъёрий ёш аспектида баҳолаш орқали структуравий ўзгаришлари турли патоген омиллар таъсирида ёш аспектида организмда содир бўладиган иммунологик жараёнларнинг мураккаб механизмини очиб беришга ёрдам берган;

сурункали нурланиш касаллигига чалинган қуёнларда радиация касаллиги негизида биостимулятор таъсирида структуравий ўзгаришларни баҳоланган;

нурланиш касаллигида аорта девори қатламларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажриба, морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нурланиш касаллиги негизида тажриба ҳайвонлари организмда морфологик ўзгаришларни, турли ёш даврларида патоген омиллар таъсирида юрак кон-томир тизимида юзага келадиган жараёнларнинг мураккаб механизмлари очиб берилганлиги, томирлардаги аортанинг морфометрик гистотопографияси ва унинг структур ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларида қўлланилишининг назарий механизмлари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нурлантирилган ҳайвонлар аортасининг морфометрик ўзгаришларининг асосий мезонлари, олинган маълумотлар сурункали нур касаллигини эрта ташхислаш сифатининг яхшиланиши, башоратлаш, самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишга кўмаклашиши, ўз навбатида, тажриба шароитида сурункали нурланиш таъсирида юрак кон-томир тизим касалликларини тажриба модели шароитда баҳолаш ва фундаментал шароитда баҳолашнинг амалий аҳамият очиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тажрибада нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг

мажмуавий тавсифини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тажриба шароитида нурланиш касаллигида аорта деворининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларига ўзгаришларини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Нурланиш касаллигида аортанинг шикастланишини морфологик ва морфометрик ташхислаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 ноябрдаги 8н-р/1024-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома тажрибавий нурланиш касаллигида аорта деворининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш орқали юзага келадиган организмдаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган;

тажрибада нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тажрибавий нурланишда даводан кейинги аортанинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 ноябрдаги 8н-р/1023-сонли хулосаси). Мазкур тавсиянома сурункали нурланиш таъсирида пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш ва ўз вақтида даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва биостимуляторлар натижасида нурланиш натижасида юзага келган аорта томирларидаги ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш ва олдини олиш имконини берган;

сурункали нурланиш пайтида нурланган ҳайвонлар аортасининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларнинг фундаментал ва клиник амалиётларига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги 8н-з /151-сонли ва 2022 йил 10 декабрдаги 08-39172 сонли хулосалари). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилишини сурункали нур касаллигини натижасида юзага келган патологик ўзгаришларни олдини олиш ва аортанинг турли қатламларида юзага келган ўзгаришларни биостимулятор ёрдамида коррекциялаш натижасида аортанинг интимасидаги морфологик ўзгаришларни тажриба шароитида баҳолаш, интимада регенерация ва пролиферация жараёнларининг устун туриши, медияда силлиқ мушак хужайраларининг гипертрофияси, улар орасида ўчоқли лимфо-гистиоцитар хужайраларнинг пролиферацияси кузатилиши, уларнинг диаметри меъёрий гуруҳ кўрсаткичларига тенглаштириш, органларда юзага келадиган патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва башоратлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 5та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Дессертация мавзуси бўйича 23 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини коррекциялашнинг замонавий тушунчалари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича маҳалий ва хорижий адабиётлар асосида нурланиш касаллиги ва юрак қон-томир касалликларида аортадаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Биостимулятор терапиясини қўллаш ҳақида кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тажрибада нурланиш касаллиги негизида меъёрда ва биостимулятор таъсирида аорта деворининг мажмуавий тавсифини такомиллаштириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва усуллари тавсифи тақдим этилган. 150 та турли ёшдаги соғлом қуёнлар танланиб олинди ва ёши бўйича гурухлаштирилди. Материал сифатида 3,6,9,12 ва 24 ойлик қуёнлар аортаси тўлиқ ҳолда, яъни равоғи, кўкрак ва қорин қисми алоҳида-алоҳида олинди. Аортанинг барча қисмлари узунлиги, диаметри, деворининг қалинлиги ўлчанди. Ҳар биридан алоҳида гистологик текширувларга бўлакчалар кесиб олинди. Тажрибани қуёнларда ўтказилди. 3, 6, 9, 12 ва 24 ойлик ёшдаги қуёнларга 10 кун давомида 1 грей дозада гамма нурланиш берилди ва ундан кейин қуёнлар бир лаҳзада бошини узмиш йўли билан жонсизлантирилди

Барча қуёнлар, 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳга – соғлом қуёнлар, II гуруҳга –нур олган қуёнлар, III гуруҳга – АСД (Дорогов Антисептик-


Стимулятори) билан нурлангандан кейин даво олган қуёнлар клиник-лаборатория усулларидан ташқари, гистологик ва цитологик тадқиқотлар ёрдамида жароҳат тўқималарининг морфологияси ўрганилган. Натижада ҳар бир гуруҳда 10 тадан бўлган яъни 3 ойлик (биринчи гуруҳ), 6 ойлик (иккинчи гуруҳ), 9 ойлик (учинчи гуруҳ), 12 ойлик (тўртинчи гуруҳ) ва 24 ойлик (бешинчи гуруҳ) бўлган жами 5 та шартли соғлом – интакт қуёнлар гуруҳи яратилди. Сурункали радиациядан захарланиш ва атеросклероз касаллиги орасида боғлиқни аниқлаш мақсадида, қуёнлар ёрдамида сунъий модел тузилди. Бунинг учун барча гуруҳдаги қуёнлар бир вақтда 1 грейдозада 10 кун мобайнида нурлантирилди ва сурункали нурланиш касаллиги юзага келтирилган қуёнлардан қайта қон олинди ва липид профилига алоқадор анализлар (уч ацилглицеридлар, умумий холестерин, зичлиги паст липопроteid ва зичлиги юкори липопроteidлардаги) холестерин миқдори қайта текширилди ва атерогенлик коэффeнциенти ҳисобланди. Юзага келтирилган нурланиш касаллигини коррекциялаш мақсадида АСД препарати 1,0 мл миқдорда 10 кун вақт мобайнида перорал усулида нурланиш жараёни тугатилгандан 24 соат ўтгандан кейин берилди. Қўлланилган дори препарати таъсир самарадорлигини баҳолаш мақсадида даво муолажаси тугатилгандан сўнг, қуёнлардан қайта қон олинди ва қон зардобидида уч ацилглицеридлар, умумий холестерин миқдори, зичлиги паст липопроteid ва зичлиги юкори липопроteidлардаги холестерин миқдори ўлчанди ва атерогенлик коэффeнциенти ҳисобланди. Барча ёшдаги қуёнлар 10 кун давомида 1 грейдан нурлантирилди. Сўнгра нурланиш амалиёти тугатилиб эртаси куни, қуёнлардан қон олиниб зардобда липид профилига текширилди. Олинган натижалардан фойдаланиб атерогенлик коэффeнциенти ҳисобланди. Нур олган қуёнларда, нур индуцирлаган дислипидемияни коррекциялаш мақсадида 1,0 мл дозадда 10 кун мобайнида перорал тарзда АСД препарати қўлланилди. Сўнг, даво муолажасини охири кунидан 24 соат ўтганидан кейин, қуёнлардан қайта қон олинди ва липид спектри текширилиб кўрилди. 100та қуёнларда нурланиш жараёни ўтказилишидан олдин қон олинди ва қон зардобидида умумий уч ацилглицеридлар, умумий холестерин миқдори, зичлиги паст липопроteid ва зичлиги юкори липопроteidлардаги холестерин миқдори аниқланди.

Клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари. Парафинли ғиштчалардан 5-6 мкм қалинликдаги гистологик кесмалар махсус микротомда тайёрланди. Гистологик кесмалардан парафин модда ксилолда эритилиб, гематоксилин ва эозин бўёқлари билан бўялди. Гистологик препаратлар Лейка русмили микроскопнинг 10, 20, 40 объективларида ўрганилиб, керакли жойлари расмга туширилди. Морфометрик ҳисоблашлар микроскопнинг 40 объективида туширилган микрорасмларда, ҳар бир ҳисоблаш 6 тадан расмда ўтказилди. Аортанинг гистологик текшируви Ўзбекистон Республикаси Бош патологоанатоми профессор Р.И.Исроилов бошчилигидаги Республика патологоанатомия маркази лабораториясида ўтказилган. Зичлиги паст липопроteid ва зичлиги юкори липопроteidлардаги холестерин миқдори MINDRAY BA-88A (Хитой)

анализаторида с CYPRESS Diagnostics (Белгия) фирмаси реагентларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Олинган натижалардан ($K_{ак}=(\text{умумий холестерин (ммоль/л)} - \text{Зичлиги паст липопротеид (ммоль/л)}) \text{ ва зичлиги юкори липопротеид (ммоль/л)})$ формуласи ёрдамида атерогенлик коэффициенти хисобланди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий АСД тур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **Қуёнлар аортаси деворининг меъёр, нур таъсирида ва биостимулятор билан даволашдан кейин морфологик ўзгаришлари** деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари кўрсатишича, назорат гуруҳи қуёнлар аортаси девори одатдагидек интима, медиа ва адвентиция қаватларидан ташкил топган. Аорта интимасидаги бириктирувчи тўқима хужайралари ҳам дистрофия ва дегенерацияга учраганлиги оқибатида ўз гистотопографик тузилишини ўзгартириб, тартибсиз жойлашган. Аорта девори ички қатламларидаги дистрофик-дисрегенератор ва шиш-деструктив ўзгаришлар тажрибанинг ушбу гуруҳида чуқурлашиб бориб, аорта девори мушак қаватида ҳам оралик модданинг шишига учраши, силлиқ мушак хужайраларнинг титилиши, дистрофияси ва айримларининг деструкцияланишига олиб келган. (1-расм).



1-расм. 3 ойлик қуён, 10 кун гамма нурланиш. Аорта деворидаги дистрофия, шиш ва деструктив ўзгаришлар мушак қаватига тарқалиши. Бўёк: Г-Э. Х: 10x40.


Тажрибанинг бу гуруҳида, юқорида кўрсатилгандек, аорта девори интимасида ва мушак қаватининг ички томонида тўқиманинг деструкцияланиб, дағал некротик моддага айланганлиги ва таркибида кальциноз юз берганлиги кузатилади. Ушбу некроз ва кальцинозга учраган тўқима детрити ўзига хос кристаллар кўринишидаги тузилишга кирганлиги аниқланади. Бундай ўчоқларнинг атрофида пролифератив лимфо-

гистиоцитар инфилтратли яллиғланиш мавжудлиги, ундаги тўқима ва хужайра тузилмалари нурланиш таъсирида денатурацияланиб, дағал оксилга айланганлиги кузатилади. Хужайралар ядролари ҳар катталиқ ва шаклдалиги нурланиш таъсирининг ядроларда биокимёвий жараёнлар бузилиб, ферментлар фаоллигини пасайтиради, натижада хужайра ядроларидаги дезоксирибонуклеин кислота ва рибонуклеин кислота миқдори камайиб, хужайранинг янгиланиш жараёни бузилганлиги оқибатида, ҳамда ядрода радиотоксинлар тўпланиши оқибатида, уларнинг морфологик тузилиши бузилганлигидан далолат беради.

«Қуёнлар аортаси деворининг меъёр, нур таъсирида ва биостимулятор билан даволашдан кейин морфометрик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида нурланишда ва уни Дорогов антисептик стимулятор (АСД) билан коррекциялангандан кейин ҳайвонлар аортасини микроскопик текширувлар натижалари шуни кўрсатдики, агар давосиз гуруҳ ҳайвонлар аортасида тажрибанинг илк давридан (3 ойлик) бошлаб аорта девори интимасида ва медианинг юза қаватларида шиш, дистрофия ва деструкция жараёнлари кузатилган бўлса, Дорогов антисептик стимулятор қўлланилгандан кейин тажрибанинг 6 ойлик даврида аорта девори интимасида шиш йўқлиги, фақат толали тузилмаларнинг юзаки ҳолда дистрофияга учраганлиги кузатилди. Эндотелий хужайралари назорат ва нурланиш гуруҳларига нисбатан аниқ дифференцияланганлиги, айрим соҳаларида улар гипертрофияланиб, интима юзасидан бўртиб чиққанлиги аниқланди. Бу хужайралар ядролари асосан думалоқ шаклга кирганлиги ва хроматини тўқ бўялганлиги аниқланди. Эндотелий остидаги базал мембрана ва эластик толалар мукоид ва фибриноид бўқиш каби оксилли дистрофиялар ҳисобига биров қалинлашган ва бўялиши ўзгарган айрим соҳалари метахромазияга учраган. Бу гуруҳдаги айрим ҳайвонлар аортаси девори интимасида кам бўлсада шиш жараёни сақланиб қолганлиги ва унинг интима қавати бириктирувчи тўқимасига ва медианинг юзасидаги бир қават силлиқ мушак хужайраларига тарқалганлиги кузатилади. Бунда эндотелий хужайралар юзаси нотекис, айрим жойларида эндотелий хужайралари бўртиб чиқган, бош соҳаларида базал мембранага чўкган. Уларнинг ядролари ҳар хил катталиқда ва аксариятларининг хроматини гиперхромли. Базал мембрана ва эластик толалар титилиб, айрим соҳалари парчаланиб, бўялиши ўзгарган ва метахромазияга учраган. Интимаси таркибидаги бириктирувчи тўқима хужайралари нисбатан гипертрофияланган ва бетартиб жойлашган, уларнинг орасида яллиғланиш хужайралари пайдо бўлган.

Тажрибанинг бу гуруҳида ва илк даврида аорта девори медиаси таркибидаги силлиқ мушак хужайралари биров гипертрофияланган, параллел жойланиш тартибини бузган. Айримларининг ядролари ҳажм жиҳатдан катталашиб, гипертрофияланган. Миофибриллалари назорат гуруҳига нисбатан сийраклашган, титилган, ўзининг тинкториал жойланишини йўқотган. Улар орасидаги эластик толалар тутамлари нисбатан қалинлашиб, эгри-бугри жойлашган.

Юқорида келтирилган мунозарани инобатга олиб, инсон организмидаги, жумладан юрак-томир тизимининг энг муҳим аъзоси аортада ривожланадиган касалликларга хос патоморфологик ўзгаришларни тажриба хайвонларида моделлаштириб, синаб кўриш ушбу патоморфологик ўзгаришларни тушиниб олишга ёрдам беради.



2-расм. АСД билан коррекцияланган гуруҳ, 24 ойлик даври. Аорта девори медиаси силлиқ мушак ҳужайраларининг гипертрофияланиши. Бўёк: Г-Э. X: 10x40.

Интакт қуёнларнинг ёши бўйича аортаси морфометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, барча кўрсаткичлари: ташқи ва ички диаметри 24 ойликга келиб 2 баробарга, бўшлиғининг майдони 9 баробарга ошганлиги, Воггенворт индекси аксинча камайиб борганлиги тасдиқланди. Аорта девори қатламлари ҳар бирининг ва умумий девор қалинлиги 24 ойликга келиб 35,1% ошиб борганлиги кузатилди. Ёш қуёнлар аорта девори эндотелий қавати нотекис, ҳар хил қалинликда, базал мембранаси тўлқинсимон, интимаси нисбатан қалин, ҳужайралари кўп, медиа қаватининг унга туташ қисмида эластик толалар юпқа ва бетартиб жойлашган, медианинг ташқи қаватида эластик толалар йўғон ва тўлқинсимон жойлашган. 24 ойлик қуёнлар аортаси деворида ёш қуёнларга нисбатан деярлик барча қаватларида ўзига хос морфологик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. (2-расм).

Эндотелий қавати биров қалинлашган, ҳужайралари зич жойлашган, медианинг эластик толалари ҳам нисбатан қалин ва зич, чегаралари ноаниқ, бир-бирига тутшиб кетган, уларнинг орасидаги силлиқ мушак ҳужайралар сиқилиб жойлашган, натижада шакли чўзилган, айниқса ядроси чўзинчоқ шаклга кирган ва хроматини нисбатан концентрацияланганлиги аниқланди.


Морфометрик ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, нурланиш таъсирида аорта девори қатламларидан интимаси тажрибанинг илк давридан бошлаб қалинлашганлиги, медианинг қалинлашиши 12 ойликда устун турганлиги, аорта девори умумий қалинлиги 6 ойликда ўртача 8 мкмга, 12 ойликда – 13,5 мкмга, ва 24 ойликда 15,5 мкмга қалинлашганлиги аниқланди. Тажриба

динамикасида аорта девори майдони қалинлашиб борганлиги ва унга нисбатан бўшлиғининг майдони қисқариб борганлиги кузатилди, натижада Вогенворт индекси тескари боғланиш қонунияти бўйича тажрибанинг барча даврларида ошиб борганлиги кузатилди.

Нурланишни Дорогов антисептик стимулятори билан даволанганда аорта деворида ривожланадиган дистрофия, деструкция ва яллиғланишли жараёнларнинг йўқолиши кузатилади, тажрибанинг илк даврида фақат интимада кам даражадаги шиш кузатилади, тажрибанинг илк даврида фақат интимада кам даражадаги шиш ва дистрофия ўзгаришлари сақланиб қолганлиги аниқланади.

Дорогов антисептик стимулятор билан даволаш оқибатида тажрибанинг охириги даврларида интимада регенерация ва пролиферация жараёнларининг устун туриши, медиада силлиқ мушак хужайраларининг гипертрофияси, улар орасида ўчоқли лимфо-гистиоцитар хужайраларнинг пролиферацияси кузатилади.

Нурланиш таъсирида аорта девори қатламларидан интимаси тажрибанинг илк давридан бошлаб қалинлашганлиги, даволаш тадбири ўтказилгандан кейин интима ва медиа қаватлари қалинлиги назорат гуруҳига яқинлашганлиги кузатилди.




3-расм. Аорта девори ички юзасига яқин соҳаларда эластик толаларнинг парчланиши. Бўёк: Вейгерт усули. Кат: 10x100.

Нурланишдан кейин динамикада аорта девори майдони қалинлашиб борганлиги ва унга нисбатан бўшлиғининг майдони қисқариб борганлиги, даволашдан кейин эса, аортанинг ҳам девори, ҳам бўшлиғи майдони кескин кенгайиб борганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Куёнлар аортаси деворининг меъёр, нур таъсирида ва биостимулятор билан даволашдан кейин морфометрик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида аортанинг ташқи диаметри 6 ойликда $2,4, \pm 0,04$ мм бўлган бўлса 24 ойликга келиб сал кам икки баробар

ошганлиги кузатилди. Бу кўрсаткичларга параллел ҳолда аортанинг ички диаметри ҳам 24 ойликга келиб икки баробарга ошганлиги аниқланди. Аортанинг кўндаланг кесими майдони 6 ойлик қуёнларда 2,54 мм² бўлган бўлса, 12 ойликга келиб икки баробар, 24 ойликка келиб 9 баробар (11,33мм²) ошганлиги кузатилди. Вогенворт индекси 6 ойлик даврда аорта девори қалинлиги бўшлиғи майдонига нисбатан қалин бўлганлигидан баланд кўрсаткичга эгаллиги, кейинги даврларда аорта бўшлиғи деворига нисбатан сезиларли даражада кенгайиб боришига қараб Вогенворт индекси камайиб борганлиги кузатилди. (4-расм).




4-расм. Назорат, нурланган, даволанган аорта девори ташки диаметри, мм.

Ўтказилган морфометрик текширувлар натижалари кўрсатишича, назорат гуруҳи 6 ойлик хайвонларда аортанинг интимаси қалинлиги $6,87 \pm 0,27$ мкм ташкил қилган бўлса, нурланиш таъсирида у қалинлашиб, $11,56 \pm 0,35$ мкмни ташкил қилди. Қалинлашишига сабаб интима тўқима таркиби нурланиш таъсирида шишга, дистрофик ўзгаришга учраганлиги, тўқима тузилмалари сийраклашиб, титилиб интиманинг қалинлашишига олиб келган. Тажрибанинг кейинги даврларида, яъни 12 ва 24 ойлик даврларда ҳам интиманинг қалинлашиши давом этиб, назоратда $7,92 \pm 0,33$ ва $8,24 \pm 0,36$ мкм бўлган бўлса, нурланишдан кейин $12,34 \pm 0,54$ ва $10,32 \pm 0,46$ мкмгача қалинлашганлиги кузатилди. Аорта девори ўрта қатлами динамикада, яъни 6-ойда - $49,57 \pm 4,08$, 12-ойликда - $57,2 \pm 4,16$, ва 24 ойликда - $69,69 \pm 2,4$ мкмни ташкил қилган бўлса, унинг қалинлашиши 6 ойликда камроқ ($52,86 \pm 4,11$ мкм), 12 ойлик даврда нисбатан кўпроқ ($68,16 \pm 4,16$ мкм) ва 24 ойликда ($81,76 \pm 3,4$ мкм) яна ҳам кўпроқ қалинлашганлиги кузатилди. Бундай аорта девори қатламларининг нурланиш таъсирида қалинлашиши албатта тўқимада патоморфологик ўзгаришлар оқибатидалиги тасдиқланди. Яъни, аорта девори барча қатламларида шиш, бўкиш, хужайра ва толаларнинг дистрофия жараёнига учраши, охири даврга келиб яллиғланиш ва кальциноз жараёнларининг қўшилиши оқибатида юз беради. Аорта девори адвентиция қаватининг морфометрик кўрсаткичлари нурланиш таъсирида

деярлик ўзгармаганлиги, хатто 6 ва 12 ойлик даврда бироз юпқалашганлиги кузатилди. Умуман олганда, аорта деворининг умумий қалинлиги 6 ойликда - $68,33 \pm 4,21$, 12 -ойликда $81,13 \pm 4,45$ ва 24 ойликда - $92,28 \pm 3,19$ мкмни ташкил қилган бўлса, нурланишдан кейин 6 ойликда ўртача 8 мкмга, 12 ойликда – 13,5 мкмга, ва 24 ойликда 15,5 мкмга қалинлашганлиги аниқланди. Нурланиш таъсирида аорта девори қатламларидан интимаси тажрибанинг илк давридан бошлаб қалинлашганлиги, медиянинг қалинлашиши 12 ойликда устун турганлиги, аорта девори умумий қалинлиги 6 ойликда ўртача 8 мкмга, 12 ойликда–13,5 мкмга, ва 24 ойликда 15,5 мкмга қалинлашганлиги аниқланди.

Тажриба динамикасида аорта девори майдони қалинлашиб борганлиги ва унга нисбатан бўшлиғининг майдони қисқариб борганлиги кузатилди, натижада Вогенворт индекси тескари боғланиш қонунияти бўйича тажрибанинг барча даврларида ошиб борганлиги кузатилди.



5-расм. Назорат гуруҳ хайвонлар аортаси деворининг ташқи ва ички деворлари диаметрининг график кўриниши

Нурланиш ўтказилган ва уни Дорогов антисептик стимулятори (АСД) билан коррекциялангандан кейин хайвонлар аортасини морфометрик текширувлар натижалари шуни кўрсатдики. Ўтказилган морфометрик текширувлар натижалари кўрсатишича, назорат гуруҳи 6 ойлик хайвонларда аортанинг интимаси қалинлиги $6,87 \pm 0,27$ мкм ташкил қилган бўлса, нурланиш таъсирида у қалинлашиб, $11,56 \pm 0,35$ мкмгача ошганлиги ва даволашдан кейин $8,43 \pm 0,24$ мкмга камайганлиги кузатилди. Давосиз гуруҳда интиманинг қалинлашишига сабаб нурланиш таъсирида тўқима шишга, дистрофик ўзгаришга учраганлиги, тўқима тузилмалари сийраклашиб, титилиб интиманинг қалинлашиши кузатилган. Даводан кейин бу патологик жараёнлар стабиллашиб, тўқима ўз ҳолига нисбатан қайтганлиги сабабли юпқалашгани юз берган. Тажрибанинг кейинги даврларида, яъни 12 ва 24 ойлик даврларда ҳам интиманинг қалинлашиши давом этиб, назоратда $7,92 \pm 0,33$ ва $8,24 \pm 0,36$ мкм бўлган бўлса, нурланишдан кейин $12,34 \pm 0,54$ ва

